## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1/1

**2022__ йил "26" Январ** **Қизилтепа шахри.**

**Қизилтепа метангаз транс МЧЖ** (бундан буён **"Сотувчи"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар **Н.Ё.Обидов** хамда иккинчи томондан **Ободонлаштириш бошкармаси** (бундан биён **"Харидор"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар **Б.Жумаев** ушбу шартномани куйидагича туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича **"Сотувчи"** **"Харидор"**нинг буюртмасига асосан белгиланган махсулотларни ўзининг газ қуйиш шахобчасида қуйиб беради. **"Харидор"** эса ушбу махсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 Махсулотлар **"Сотувчи"**нинг мулки хисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учунчи шахснинг даъволаридан холидир.

1.3 **"Сотувчи" ва "Харидор"** учун:

(товарнинг номи, маркаси, артикули)

| T\p | махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Хажми (микдори) | Нархи | Суммаси | ҚҚС суммаси | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Метан газ** | **Метр Куб** | 6250 | 2086 | 13037500 | 1955625 | 14 993 125 |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | | 14993125 |

**Сумма: Ўн турт миллион туккиз юз туқсон уч минг бир юз йигирма беш сўм**

(кейинги ўринларда " махсулот" деб юритилади) ва унга оид хужжатларни **"Харидор"**га мулк қилиб топширади, **"Харидор"** эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур махсулотни кабул килади ва ҳақини тўлайди.

### II.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**"Сотувчи"нинг ажбуриятлари:**

2.1. Махсулотни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида **"Харидор"**га топшириш.

**"Харидор"нинг мажбуриятлари:**

2.2. Шартномада белгиланган нархларда товар хақини тўлайди.

### III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси **Ўн турт миллион туккиз юз туқсон уч минг бир юз йигирма беш сўмни** ташкил этиб товарнинг ҳар бирлиги учун сўмда хак тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан **100 %** маблагни тулаш орқали амалга оширилади.

3.3. **"Сотувчи"**нинг айби билан **"Харидор"** товарни кўздан кечириш имкониятига эга булмаган такдирда,у товар ҳақини тўлашни кечиктиришга хақли.

### IV.ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофик товар сотув жойидан топширилади.

4.2.Товарни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб **"Харидор"**га ўтади.

4.3. Товарни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар **"Сотувчи"** сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4 **"Харидор"** товар маҳсулотларини қабул қилиб олишда товарларни тулик эмаслиги, сифатсизлиги аникланган тақдирда ушбу махсулотларни кабул килиб олмаслик хуқуқига эга.

### V.ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати "31" декабрь 2022 йилача белгиланади.

## VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1.Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2.Тўловни кечиктирилганлиги учун **"Харидор"** хар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. Зарарни қоплаш ва неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Узбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужжатларига мувофик белгиланади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

8.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шахар)лар хокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиклаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача хал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

## IX. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

9.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.
- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган

Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

## X.БОШКА ШАРТЛАР.

10.1.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор килиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 10 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган такдирда шартнома бекор килишни сўраб тегишли судга мурожжат қилинади.

10.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги хакида бир - бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

10.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

10.4. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

## XI.ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| | |
|---|---|
| **"Сотувчи** | **"Харидор".** |
| **Қизилтепа метангаз** | **Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошқармаси** |
| Юридик манзилгох | Юридик манзилгох |
| Қизилтепа шахри | Қизилтепа шахри |
| X\р20208000004891759001 | X\р 10002286012216706520011000 1 |
| Банк номи Халк банки | Банк номи Миллий Кизилтепа шахри |
| Банк коди(МФО)00706 | Банк коди(МФО) 00945 |
| ИНН 301865860 | ИНН 204584484 |
| XXTУТ ____ | XXTУТ ____ |
| | КТУТ ____ |
| | К-тепа тумани буйича Газначилик булими |
| | X\р 23402000300100001010 |
| | Банк номи Марказий б Тошкент ш бош бошкармаси ХККМ |
| | Банк коди(МФО) 00014. |
| | ИНН 201122919 |
| Рахбар ____ Н.Ё.Обидов (имзо) | Рахбар ____ Б.Жумаев |
| М.У | М.У |

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: IE0043066780

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:
   **Shartnoma.**
2. Loyihaning nomi:
   **Oldi-sotdi shartnomasi.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:
   **Qiziltepa tumani Obodonlashtirish boshqarmasi. 2021.25.12**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult

M.Ro'ziev
2021.26.12

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**26.01.2022 даги**

**Кизилтепа метангаз транс МЧЖ ва Кизилтепа Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 14993125,00 сўм умумий суммага тузилган 1/1 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860122167065200110001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4252500 | | | |
| Январь | 14 993 125,00 | | | 14 993 125,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **14 993 125,00** | | | **14 993 125,00** |

Жами 14993125,00 сўм

Ўн тўрт миллион тўққиз юз тўқсон уч минг бир юз йигирма беш сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 14993125,00 сўм ёки 100,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ _______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари _______________ (имзо) Жумаев Ботир Саидович
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери _______________ (имзо) Бозоров Ҳусниддин Ҳакимович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди _______________ (имзо)

«___» _______________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди _______________ (имзо)

«___» _______________ 20___й.